БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/29.10.2021.T.101.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ПУЛАТОВА САБОХАТ УСМАНОВНА

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ ИШЧИЛАРИ УЧУН МАХСУС КИЙИМНИ ЛОЙИҲАЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ

05.06.04–Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро– 2022

УЎК 687.1.016.5

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации докторский (DSc)
Contentsofthe Doctor (DSc) DissertationAbstract

Пулатова Сабохат Усмоновна
Аграсаноат комплекси ишчилари учун махсус кийимини лойиҳалаш методологияси ва ишлаб чиқишнинг самарали технологиясини яратиш..... 3

Пулатова Сабохат Усмоновна
Разработка методологии проектирования эффективной технологии изготовления специальной одежды для работников агромышленного комплекса..... 29

Pulatova Sabokhat Usmanovna
Development of a methodology for the design of an effective technology for the manufacture of special clothing for workers in the agro-industrial complex..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 58

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/29.10.2021.T.101.03РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИРМАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ПУЛАТОВА САБОХАТ УСМАНОВНА

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ ИШЧИЛАРИ УЧУН МАХСУС КИЙИМНИ ЛОЙИҲАЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ

05.06.04 – Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро– 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/T347рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bmti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ташпулатов Салих Шукурович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Алимова Халима Алимовна**
техника фанлари доктори, профессор

Арипджанова Дилафруз Уктамовна
техника фанлари доктори, профессор

Холиқов Қурбонали Мадаминович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Жиззах политехника институти**

Диссертация ҳимояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/29.10.2021.T.101.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «01» февраль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200100, Бухоро ш., Қ. Муртазоев кўчаси 15, (8-365) 223-78-84, факс: 223-78-84; e-mail:bmti_info@edu.uz, Бухоро мухандислик технология институти маъмурий биноси, 2-қават, 202-хона).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (337-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200100, Бухоро ш., Қ.Муртазоев кўчаси 15, тел. (8-365) 223-78-84, факс: 223-78-84.

Диссертация автореферати 2022 йил «17» январь куни тарқатилди.
(2022 йил «17» январдаги № 03 рақамли реестр баённомаси).

Х.Қ.Рахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Р.Х.Нурбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.н., доцент

М.З.Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф.м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертациясининг қисқача мазмуни)

Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда енгил саноат соҳасида замонавий илм-фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланишни назарда тутадиган инновацион технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида сифатли енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга талаб юқори бўлиб, замонавий тикув маҳсулотларини сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг ассортиментини кенгайтириш, махсус мўлжалланган кийимларни эргономик лойиҳалаш тамойиларига асосланган методологиясини ва ишлаб чиқишнинг самарали технологиясини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан махсус кийимларни ишлаб чиқишда тизимли лойиҳалаш тамойилларига асосланиш ва ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жахонда тикув буюмларини ишлаб чиқаришда технологик жараёнларнинг таъсир этадиган муҳим омилларини аниқлаган ҳолда, илмий асосланган техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, янги турдаги кийимларни яратиш, юқори сифатли рақобатбардош, эргономик талабларни инобатга олган ҳолда махсус кийимнинг рационал конструкциясини яратиш, илмий қонуниятлар асосида мустахкамлик ҳолатини сақлаган ҳолда, технологик параметрларини ўзаро боғланишларини ишлаб чиқиш, махсус кийим турларини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш соҳаси учун сифат кўрсаткичлари тизимини такомиллаштиришни асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ва маҳсулот турини кўпайтириш имконини берадиган технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017 йил 7 февралдаги 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...янги замонавий технологияларни олиб кириш билан бирга маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиб, қиймати қўшилган харидоргир маҳсулотлар яратиб, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш..»[1] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, мамлакатимизнинг агросаноат комплекси ишчилари учун юқори сифатли гигиеник, эргономик ва эксплуатацион хоссаларга эга бўлган махсус кийимларни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

---

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ-4947-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПҚ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Турли тармоқ ишчилари учун мўлжалланган шахсий ҳимоя воситаларини, жумладан махсус кийимларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш билан хорижда Huck, Maganga, Kim, Lee, Ran-i Eom, Yejin Lee (Корея), Jiaqing Zhang (Хитой) шуғулланишган. Электростатик майдонлардан ҳимоя этувчи махсус кийимларни лойиҳалаш масалаларига Baoyu Zhu, Chengxun Sun, Shixiong Jiang, Makoto Akashi (Япония), Quang Huy Tran, Van Quy Nguyen, Anh-Tuan Le (Вьетнам), William W Nazaroff (АҚШ), Azhar Ali, Patrick (Ҳиндистон) ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Махсус кийимни эргономик лойиҳалаш тамойилларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар Mattmann (АҚШ), Dragcevic, Rogale (Хорватия), Honglun, Sougian, Liu Chi, Kennon, Chang (Корея), Castillo, Cubillos (Колумбия), Leite da Silva, Santos (Бразилия), Меликов Е.Х., Коблякова Е.Б., Кокеткин П.П., Чубарова З.С., Лопандина С.К., Ивашенко И. Н., Романов В.Е. (Россия), Рыскулова Б.Р., Жилисбаева Р.О., Нуржасарова М.А. (Қозоғистон) ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикамизда тўқимачилик ва енгил саноат соҳасининг ривожига бир қатор олимлар, жумладан, Х.А.Алимова, М.М.Муқимов, А.Д.Даминов, Х.Х.Камилова, С.Ш.Ташпулатов, Ф.У.Нигматова, Н.Н.Набижанова, В.Г.Петрунина, Д.Б.Худойбердиева, И.А.Набиева, Д.У.Арипджанова ва бошқалар ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур йўналишдаги масалаларни ечишда катта ҳисса қўшган Россиялик олимлар Вадковская А.В., Афанасьева Р.Ф., Сухарев М. И., Сурженко Е. Я., Черунова И.В., Голубев М.И., Савельева И.Н., Куренова И.В., Қозогистонлик олимлар Ганиева Г.А., Изтаева А.А., Фазилбаева Н.Р. ва бошқалар.

Ўзбекистонда махсус мўлжалланишдаги кийимларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқишни самарали технологиясини яратиш бўйича тадқиқотлар М.К. Расулова, М.А.Абдукаримова, А.Б.Касимова, Е.И.Шин, Г.Д.Улканбаева ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида махсус кийимларни ишлаб чиқиш соҳасидаги эришилган ютуқларга қарамасдан диёримизни иқлимий шароитларини, ишчиларнинг реал меҳнат шароитлари ва уларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган зарарли ишлаб чиқариш таъсирларини ҳисобга олган ҳолда агросаноат комплекси ишчилари учун юқори сифатли махсус кийимларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари ва 33-19-сонли "Агросаноат комплекси ишчилари учун махсус кийимни рационал конструкциясини ишлаб чиқиш" ва 19-20-сонли "Ҳудудий электр тармоқлари" МЧЖ ишчилари учун антистатик хусусиятли махсус кийим тайёрлаш усулини ишлаб чиқиш" мавзусидаги хўжалик шартномалар доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади иқлимий шароитлар, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда агросаноат ишчилари махсус кийимини лойиҳалаш методологияси ва ишлаб чиқаришни самарали технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Электр таъминоти ва қишлоқ хўжалиги ишчиларининг мавжуд махсус кийимларини эскириши ва емирилиши топографиясининг тахлили асосида ҳамда истеъмолчилар имтиёзларини инобатга олган ҳолда махсус кийимга қўйиладиган талабларни шакллантириш;

Ўзбекистон тўқимачилик бозоридаги ҳолатни ўрганиш асосида электр таъминоти ва қишлоқ хўжалиги ишчиларининг ёзги махсус кийими учун замонавий материаллар танлаш ва асослаш;

қишлоқ хўжалиги ва электр таъминоти ишчилари махсус кийимларининг замонавий моделларини яратиш ҳамда эргономик лойиҳалаш тамойиллари асосида махсус кийимининг рационал конструкцияларини ишлаб чиқиш;

махсус кийим деталлари ва тугунларига самарали ишлов бериш технологиясини яратиш;

лойиҳаланган махсус кийимларни реал эксплуатация қилиш шароитларида тажриба синовларини ўтказиш ва эксплуатацион сифат кўрсаткичларини баҳолаш;

яратилган махсус кийимларни конструкторлик-техник ҳужжатларини тайёрлаш, ишлаб чиқариш шароитларида апробациядан ўтказиш ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида агросаноат комплексининг электр таъминоти ва қишлоқ хўжалик ишчиларининг ёзги махсус кийими олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида маҳсулотни ҳаётий циклининг асосий босқичларини ўз ичига олган махсус кийимни тизимли лойиҳалаш методологияси олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун махсус кийимларни лойиҳалашга тизимли ёндошув методологияси, математик ва оптимизацион моделлаштириш усуллари, илмий тажрибани режалаштириш усуллари, эксперт баҳолаш усуллари, факторли таҳлил ҳамда тажриба натижаларини математик қайта ишлаш усуллари, материаллар хоссаларини аниқлашнинг стандарт усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат**:**

электр таъминоти ва қишлоқ хужалиги ишчилари меҳнат хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ташқи омиллар таъсирини топографик харитаси ишлаб чиқилган ҳамда махсус кийимнинг асосий хоссалари танлаб олинган ва асослаб берилган;

иссиқ ҳаво муҳити ва махсус кийим юпқа қатлами орасидаги иссиқлик алмашув жараёнларининг математик модели ишлаб чиқилган ва уни ечишнинг назарий усуллари асослаб берилган;

эксплуатацион юкламалар таъсирида махсус кийим деталлари тикув чокларининг узилишини таҳлили асосида ипли бирикмаларнинг тенг мустаҳкамлик назарияси ишлаб чиқилган;

меҳнат жараёнида ишчилар ҳаракатларининг эркинлигини таъминлайдиган миллий анъаналар ва замонавий талабларни ўзида мужассам этган «енг-ўмиз» конструктив тугунининг рационал конструктив ечими ишлаб чиқилган ва қишлоқ хўжалиги ишчилари махсус кийимида қўлланиши тавсия этилган;

эргономик тадқиқотлар асосида аниқланган тўкислик учун қўшимча ҳақларнинг рационал қийматларидан фойдаланган ҳолда электр таъминоти ишчилари махсус кийимининг рационал конструкцияси ишлаб чиқилган;

махсус кийимни конструктив параметрларини ташқи динамик мослик кўрсаткичларига боғлиқлигининг регрессия тенгламалари ва математик моделлари ишлаб чиқилган ва улар асосида оптимал конструктив параметрлар аниқланган;

ипли бириктирма чокларнинг тенг мустаҳкамлик назарияси асосида махсус кийим чокларининг мустаҳкамлигини таъминловчи деталларга ишлов беришнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат**:**

меҳнат жараёнида ишчилар ҳаракатларининг эркинлигини таъминлайдиган ва иссиқ иқлимий шароитларда кийим ости қатламини ҳаво алмашинувига ёрдам берадиган электр таъминоти ва қишлоқ хўжалиги ишчилари махсус кийимининг рационал конструкциялари ишлаб чиқилган;

импорт ўрнини босувчи маҳаллий хомашёлардан тайёрланган материалларни қўллаш ва конструкциянинг тежамкорлиги ҳисобига хомашё сарфи камайишига эришилган;

махсус кийимни ишончлилигини ва эксплуатациялаш муддатини оширишга ёрдам берадиган самарали ишлаб чиқариш технологияси бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

агросаноат комплексининг электр таъминоти ва қишлоқ хўжалиги ишчилари ёзги махсус кийими намуналари ишлаб чиқилган ва тикувчилик ишлаб чиқариш корхоналарига жорий этилган;

лойиҳаланган махсус кийимларни қўллаш натижасида электр таъминоти ва қишлоқ хўжалиги ишчиларининг меҳнат шароитлари яхшиланган ва ишлаб чиқариш унумдорлиги ошган;

тадқиқот натижалари тикувчилик корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнларида ва ОТМларда "Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари" таълим йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашда қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда шакллантирилган илмий тамойиллар, хулосалар ва тавсияларнинг ишончлилиги ва изчиллиги назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалари, аппробация ва жорий этишнинг ижобий натижалари, шунингдек, натижаларни таққослаш, маълум баҳолаш мезонларига кўра уларнинг адекватлиги, тадқиқотларининг ижобий натижаларини ва кўриб чиқилаётган мавзу бўйича маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иссиқ иқлимий шароитлар учун мўлжалланган махсус кийимларни тизимли лойиҳалаш методологиясини яратишдан иборат; махсус кийимларни лойиҳалашнинг турли босқичларида фойдаланиладиган маълумотларни тизимлаштириш ва шакллантириш, аниқ ҳамда оқилона қарорларини қабул қилишни таъминланганлиги, иссиқ иқлимий шароитлар учун мўлжалланган махсус кийимнинг рационал конструкцияси ва самарали ишлаб чиқариш технологиясини яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти агросаноат комплексининг электр таъминоти ва қишлоқ хўжалиги ишчиларининг меҳнат шароитларининг яхшиланиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши, махсус кийимни ишончлилиги ва унинг эксплуатация даврининг ошиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Агросаноат комплекси ишчилари учун махсус кийимларнинг рационал конструкцияси ва самарали ишлаб чиқариш технологияси бўйича олинган натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг саноат намунасига патенти олинган («Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишчилари учун махсус кийим» №SAP 01949) ва («Электро энергетиклар учун антистатик махсус кийим», №SAP 02096). Натижада агросаноат ишчиларининг меҳнат шароитлари яхшиланган, меҳнат жараёнида ишчиларга, эргономик нуқтаи назардан, яхши қулайлик яратилган, махсус кийимнинг сифати яхшиланган ва унинг эксплуатациялаш даври ошган;

қишлоқ хўжалиги ишчилари учун яратилган махсус кийим комплектлари ва уларнинг конструкторлик-техник ҳужжатлар пакети «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тасарруфидаги тикувчилик

корхоналарида, шу жумладан, «Al-Hakim Plus» МЧЖ, «Shofirkon Ekvatorial Teks» МЧЖ, «Okean-LyukS» МЧЖ (Бухоро вилояти) ва «Azr-Textile Group» МЧЖ (Тошкент шахри) корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 24 ноябраги 03/14-3255-сонли маълумотномаси). Натижада моддий ресурсларни тежаш ва ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига нисбатан меҳнат унумдорлиги 13,76% га ошишига эришилган ҳамда қишлоқ хўжалик ишчилари сифатли махсус кийим билан таъминланган;

таклиф этилаётган электр таъминоти ишчилари учун махсус кийимни янги комплектлари ва уларнинг конструкторлик- техник ҳужжатлари пакети «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тасарруфидаги тикувчилик корхоналарида, шу жумладан, «Al-Hakim Plus» МЧЖ, «Okean-Lyuks» МЧЖ (Бухоро вилояти) тикувчилик корхоналарида жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 24 ноябраги 03/14-3255-сонли маълумотномаси). Натижада электр таъминоти ишчилари учун махсус кийимни ишлаб чиқиш асосида меҳнат унумдорлиги 17,54 % га ошишига эришилган ва ҳудудий электр таьминоти ишчиларини қулай, комфортли ва арзон махсус кийим билан таьминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 33 та илмий-амалий анжуманларда, шундан 17 та халқаро, 16 та республика миқёсида муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган. Диссертация ишида таклиф этилган махсус кийимлар тўплами «UzCharmExpo»-2018 IX-Халқаро чарм, пойабзал, кийим-кечак ва аксессуарлар кўргазмаси ва III-махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари ихтисослашган кўргазмасининг 1-даражали «Махсус кийимнинг энг яхши дизайни» Дипломи билан тақдирланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши натижалари 50 та илмий ишларда, шу жумладан 3 та монография, 7 та ЎзР Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда, 3 та Scopus маълумотлар базасига киритилган халқаро илмий нашрларда, 33 та республика ва халқаро анжуманлар материалларида (шу жумладан, 17 та хорижий конфереция материалларида), 1 та ихтирога муаллифлик гувономаси, 1 та ихтирога Россия Федерациясининг патенти, 2 та саноат намунасига ЎзР патенти.

Диссертациянинг тузилиши ваҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлигини асослаш, тадқиқотнинг республиканинг илм-фан ва техника тарақиёти йўналишлари билан боғликлиги, муаммонинг ўрганганлик даражаси, мавзунинг диссертация иши бажарилаётган институтнинг илмий

тадқиқотлари билан боғлиқлиги, ишнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Агросаноат комплекси (АСК) ишчилари учун махсус кийим ишлаб чиқиш масаласининг бугунги кунги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида агросаноат комплексидаги ишчилари касбларининг таснифи ва Ўзбекистоннинг иқлимий шароитларини таҳлили, реал меҳнат шароитларини ўрганиш асосида махсус кийимга таъсир этувчи ишлаб чиқаришнинг зарарли омиллари аниқланган. Ўзбекистон бозоридаги мавжуд вазиятни ўрганиш асосида, ишлаб чиқилган махсус кийимлар асосан қимматбаҳо импорт материаллардан тайёрланганлиги, мақсадли лойиҳалаш асосида ишлаб чиқилмаганлиги аниқланган.

Диссертациянинг “**Ишлаб чиқариш шароитларини ҳисобга олган ҳолда агросаноат комплекси ишчилари махсус кийимига қўйиладиган талабларни шакллантириш”** деб номланган иккинчи бобида АСК ишчиларининг меҳнат шароитлари, махсус кийимга зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири топографияси ва истеъмолчилар таклифларини эътиборга олган ҳолда махсус кийимга қўйиладиган талаблар шакллантирилган.

Лойиҳаланиётган махсус кийимни асосий тавсифларини танлаш ва асослаш мақсадида истеъмолчилар ўртасида анкета сўровнома ўтказилган. Респондентлар сифатида АСК мажмуасида очиқ ҳавода ишлайдиган электр таъминоти ва қишлоқ хўжалиги ишчилари танлаб олинган.



а - Махсус кийимнинг комплектлиги

б - Куртканинг адип тақилмаси тури

в - Махсус кийимнинг ранги

г - Махсус кйимнинг муҳим хоссалари

1-расм. Сўровнома натижасида аниқланган электр таъминоти ишчилари махсус кийимининг муҳим кўрсаткичлари

Гистограммалардан кўриниб турибдики (1-расм), кўпчилик респондентлар электр таъминоти ишчилари махсус кийимнинг энг афзал тури сифатида куртка ва шимни танлаган (73%), махсус кийимнинг ранги бўйича 41 % киши кўк рангни танлаган, махсус кийимнинг асосий хоссалари сифатида эса биринчи ўринда ҳимоя (29%), иккинчи ўринда эксплуатацион

(13%) ва учинчи ўринда қулайлик (9%) хоссалари кўрсатилган.

Қишлоқ хўжалиги ишчилари махсус кийимининг энг муҳим гигиеник хоссалари сифатида респондентлар материалларнинг ҳаво ўтказувчанлигини (42%), гигроскопиклигини (23%), намликни ташқи муҳитга чиқариб юборишини (20%), буғ ўтказувчанлигини (15%) муҳим деб ҳисоблашган, махсус кийим комплектлиги борасида эса куртка ва шимдан (60%) иборат костюм комплектини танлашган.

Махсус кийимнинг хоссаларидан биринчи ўринда қулайлик (44%), иккинчи ўринда- мустаҳкамлик (25%), учинчи ўринда ҳимоя (21%) хоссаларининг устуворлиги кўрсатилган, ранглар борасида истеъмолчилар кўк рангларни- 52%, кулрангни -32% , қолган қисми 16%- бошқа рангларни танлашган (2-расм).

а- гигиеник хоссалар

б- махсус кийим комплектлиги

в- махсус кийимнинг мухим хоссалари

г-махсус кийим ранги

2-расм. Сўровнома натижасида аниқланган қишлоқ хўжалиги ишчилари махсус кийимининг муҳим кўрсаткичлари

АСК ишчиларининг меҳнат шароитлари ва мавжуд кийим турлари таҳлили асосида ҳамда истеъмолчилар таклифларини эътиборга олган ҳолда электр таъминоти ва қишлоқ хўжалиги ишчилари махсус кийимига қўйиладиган талаблар дастури шакллантирилган.

Диссертациянинг **«Агросаноат комплекси ишчилари махсус кийимини лойиҳалаш методологиясини ва самарали ишлаб чиқариш технологиясини яратиш»** деб номланган учинчи бобида иссиқ ҳаво муҳити ва кийим юпқа қатлами орасидаги иссиқлик алмашув жараёнида ҳароратнинг вақт бўйича ўзгаришларининг назарий тадқиқи келтирилган. Бунда “инсон-кийим-ташқи мухит” тизими шартли равишда цилиндр кўринишида қабул қилинган бўлиб, ундаги ҳаво муҳити ва қатламлар ўзаро иссиқлик алмашиш

жараёнида кийим ости қатлами таркибидаги ҳаво ва қатлам материали ҳароратларининг вақт бўйича ўзгариши ўрганилган (3-расм).



3-расм. “Инсон-кийим-ташқи мухит” тизимининг шартли цилиндр кўриниши: 1-инсон танаси, 2- кийим ости ҳаво қатлами, 3-махсус кийим

“Инсон-кийим-ташқи мухит” тизимида юқори ҳароратдан ҳимоя қилувчи махсус кийимни лойиҳалаш математик масаласини ечиш учун иссиқлик оқими мавжуд бўлган чекланган узунликдаги кийимнинг ён юзасида иссиқлик оқими ва тортишиш кучи мавжуд бўлганда кийим ва инсон танаси орасидаги ҳаво қатламининг оптимал параметрларини аниқлаш, чекланган узунликдаги қисман изоляцияланган махсус кийимнинг термик қаршилигини ўрганиш масалалари кўриб чиқилган. Ўрганилаётган масала цилиндрнинг деформацияларини юмшоқ қобиқ билан моделлаштиришга қаратилган (4-расм).



а-инсон танасини цилиндр шаклида тасвирланиши



б- цилиндр кўринишидаги инсон танасининг кўндаланг кесими

4-расм. Моделлаштириб олинган махсус кийим ва инсон танасининг ҳисоблаш схемаси

Ўрганиладиган махсус кийим қалинлигини инсон танасининг қалинлиги билан солиштирганда кичик сон бўлгани учун, m=1 амалий эластиклик назариясига асосланган тенгламасидан фойдаланиш мумкин:

$$\frac{\partial^2 v}{\partial\theta^2}+\frac{1-\nu_0'}{2}\frac{\partial^2 v}{\partial\alpha^2}+\frac{1+\nu_0'}{2}\frac{\partial^2 u}{\partial\alpha\partial\theta}+\frac{\partial w}{\partial\theta}-\frac{m'b'^2}{D'}\frac{\partial^2 v}{\partial t^2}=0,$$

$$\frac{\partial^2 u}{\partial\alpha^2}+\frac{1-\nu_0'}{2}\frac{\partial^2 u}{\partial\theta^2}+\frac{1+\nu_0'}{2}\frac{\partial^2 v}{\partial\alpha\partial\theta}+\nu_0'\frac{\partial w}{\partial\alpha}-\frac{m'b'^2}{D'}\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}=0,$$

$$\nu_0'\frac{\partial u}{\partial\alpha}+\frac{\partial v}{\partial\theta}+k'\nabla^2\nabla^2 w+w-\frac{m'b'^2}{D'}\frac{\partial^2 w}{\partial t^2}=0, \qquad (1)$$

бунда v, u, w - махсус кийим нуқталарини учта йўналиш бўйича кўчиши;$k'=\frac{D'}{b'^2B'}$; $\alpha=\frac{x}{b'}$; m'- нейтрал юзанинг бирлик майдонига (А) кўп қатламли қобиқ массаси; b'-нейтрал сирт радиуси$D'=\frac{E_0h_0^3}{12(1-\nu_0^2)}$- бу қобиқнинг эгилувчан қаттиқлиги;E_0 ва ν_0миқдорлар ва мос равишда Юнг модули ва Пуассон коэфициенти.

Тенгламалар тизими (1) мос келадиган қобиқ тенгламаларидан тортилиш, буралиш ва эгилишдаги материал нуқталарини кўчиш қаттиқликларини топиш имконини беради. Бу тенглама осон ечилади ва ўрганиладиган жараённи тез ифодалаб беради, қўшимча шартларни талаб қилмайди.

Умумий холда иссиқлик тарқалиши , хар бир қатлам учун қўйидагича бўлади

$$\frac{\partial T}{\partial t} = \frac{\lambda_t(r)}{c(r)\rho(r)}\left[\frac{\partial^2 T}{\partial r^2} + \frac{1}{r}\frac{\partial T}{\partial r} + \frac{1}{r^2}\frac{\partial^2 T}{\partial \theta^2} + \frac{\partial^2 T}{\partial z^2}\right] = 0(r_0 < r < r_2) \qquad (2)$$

Бунда; $c(r)$ – иссиқлик сиғими.

Охирги олинган ечим асосидаги натижалар 5- ва 6 - расмларда келтирилган. Юқорида келтирилган тенгламалаларни ечишда MAPLE-18 дастурий таъминотидан фойдаланилди. Сонли натижалар T=30^{0}C - 60^{0}C олинди. Махсус кийим, хаво катлами ва инсон танаси қалинликлари қўйидагича олинди $h_{mk1} = 1.7 мм$, $h_{mxa2} = 0.5 - 2.5 мм$, $h_{mt3} = 300 - 500 мм$.



5-расм. Иссиқликнинг максимал қийматини "инсон-кийим ташқи муҳит" тизими қалинлиги бўйича ўзгариши: 1-кийим, 2- кийим ости ҳаво қатлами, 3- инсон танаси



6-расм. Иссиқликнинг максимал қийматини тизим қалинлиги бўйича турли материаларга боғлиқ ўзгариши: 1-кийим ости катламидаги ҳаво(азот), 2- табиийи толали материал, 3- синтетик толали материаллар

Тадқиқот олиб бориш жараёнида деформацияланувчан қаттиқ жисмлар механикаси, ҳисоблаш математикаси, математик моделлаштириш, дастурлаш усуллари, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларни ечиш, ўзгарувчиларни ажратиш, Гаусс ва чекли элиментлар усулларидан фойдаланилди.

Бунда уч қатламли цилиндирик жисм ёрдамида моделлаштирилган механик тизимни стационар иссиқлик жараёни учун натижалар олинган бўлиб, ишлаб чиқилган методика ва алгоритим нотурғун иссиқлик жараёнини тадқиқ қилишга имкон беради.

7- расмдан кўриниб турибдики, бу вариантда кийимнинг калинлиги бўйлаб ҳарорат тақсимланиш соҳаси бир текис узликсиз эгри чизиқ билан ифодаланган. Бунда кийимнинг ҳарорат майдонининг тақсимоти кийимнинг узунлиги бўйлаб чўзилишига мос равишда

$\Delta l_T = \alpha \int_0^L T(x)dx = 1{,}4248791929\ (см)$ га тенг бўлган.



7-расм. $\boldsymbol{T_{OC1} = T_{OC2} = T_{OC3} = 20 - 50\ ^oC}$ **ҳарорат майдонининг махсус кийим қалинлиги бўйича тақсимланиш қонунияти**

8- расмда ҳарорат майдонини махсус кийим узунлиги бўйича кўчишини ўзгариши келтирилган бўлиб, максимал кўчишлар конструкцияни ўрта кесимига мос келиши кўриниб турибди.



8-расм. $\mathrm{T}_{OC1} = \boldsymbol{T_{OC2} = T_{OC3} = 20 - 50\ ^oC}$**ҳарорат майдонини махсус кийим узунлиги бўйича тақсимланиш қонунияти**

Уч тугунли квадратик сонли элементнинг T_i, T_j, T_kтугун (i, j, k) нуқталаридаги ҳарорат қийматларига нисбатан тузилган функционал тенгламалар:

$$\left.\begin{aligned}
&1)\ \frac{\partial I}{\partial T_i} = 0; \Rightarrow \frac{K_{xx}F}{2\ell}\left[\frac{14}{3}T_i - \frac{16}{3}T_j + \frac{2}{3}T_k\right] + \frac{\pi r q \ell}{3} + h_i F T_i - h_i F T_{oci} = 0;\\
&2)\ \frac{\partial I}{\partial T_j} = 0; \Rightarrow \frac{K_{xx}F}{2\ell}\left[-\frac{16}{3}T_i - \frac{16}{3}T_k + \frac{32}{3}T_j\right] + \frac{4\pi r q \ell}{3} = 0;\\
&3)\ \frac{\partial I}{\partial T_k} = 0; \Rightarrow \frac{K_{xx}F}{2\ell}\left[\frac{2}{3}T_i - \frac{16}{3}T_j + \frac{14}{3}T_k\right] + \frac{\pi r q \ell}{3} + h_k F T_k - h_k F T_{ock} = 0;
\end{aligned}\right\} \quad (6)$$

«Инсон-кийим-ташқи мухит» тизимининг математик модели дифференциал тенгламалардан (6) иборат бўлиб, у ташқи муҳитнинг ҳаво ҳарорати T_i, кийим ости қатламининг харорати T_j ва инсон танасининг ҳарорати T_k дан келиб чиққан кийим ости қатламининг кўндаланг кесими майдони (кийим эркинлиги учун қўшимча ҳақ) ва кийимнинг термик қаршилиги кўрсаткичларини лойиҳалаш босқичида прогноз қилиш имконини беради.

Диссертация ишининг кейинги босқичида АСК ишчилари махсус кийимини яратишнинг самарали методологияси ишлаб чиқилган. Бунда эксплуатацион юкламалар таъсирида махсус кийим деталлари чокларининг узилишининг таҳлили асосида уларнинг тенг мустаҳкамли ипли бирикмаларини яратиш масаласи қўриб чиқилган. Махсус кийим сифатига таъсир этувчи ипли бириктирма чокларнинг кучланишлар таъсирида узилишининг таҳлили асосида махсус кийим деталлари чокларининг таранглик ҳолатини баҳолашнинг математик модели ишлаб чиқилган. Кийим деталларининг ипли бирикмаларининг мустаҳкамлик моделини таҳлили асосида тикилаётган материалларнинг мустаҳкамлиги ҳосил бўлган чокдаги ипларнинг мустаҳкамлигига боғлиқлиги, ташқи юклама таъсири чокдаги ипларнинг узилишига сабаб бўлиши қайд этилган.

Ишда кўриб чиқилган ипли бириктирма чоклар (9, 10-расм) турлари учун матонинг ва ипли бирикма чок ҳолатининг тенг мустаҳкамлик шарти математик моделлари тузилган бўлиб, улар эксплуатациялаш даврида матонинг заифлашиши ва кийим деталлари чокларининг мустаҳкамлиги ҳолатини аниқлашга асосланган.



9-расм. Бир чокли ипли бириктирма чок схемаси



10-расм. Қуйма ипли бириктирма чок схемаси

Мато учун мустаҳкамлик шарти:

$$\sigma = \frac{F}{b\delta} \leq \sigma_0 \qquad (7)$$

ёки чок шаклланиши пайтида пайдо бўлган тешиклар туфайли материалнинг узилишларини ҳисобга олган ҳолда:

$$\sigma = \frac{F}{(b-nd)\delta} \leq \sigma_p \qquad (8)$$

бунда:σ -оддий кучланишнинг ҳисобланган қиймати, Н/мм^2; F-матонинг энг юқори тортишиш кучи, Н; В–ип уланишининг кўриб чиқилган қисмининг кенглиги, мм; n -қавиқлар сони;d -ипнинг диаметри, мм;b -мато қалинлиги, мм; δ -ип қалинлиги,мм.

$$d = \frac{4n+4\sqrt{n^2\delta^2+\pi\cdot n\delta b}}{2\pi\cdot n} \qquad (9)$$

(8) формулага биноан, тенг мустаҳкамликни таъминлаш шарти асосида кийим қисмларини бирлаштирганда ҳосил бўладиган бахя учун ип диаметри қийматини тахмин қилиш мумкин.

11-расмда ҳисобланган ип диаметрининг тикилаётган материаллар қалинлиги δ боғлиқлиги графиклардан кўриниб турибдики, тикув чокининг мустаҳкамлик шартидан келиб чиққан ҳолда, мато қалинлиги ошгани билан

ипнинг керакли диаметри ҳам ошади. 1 см ҳудудда бахялар сонини *n* камайиб боргани сари ипнинг диаметри ошиб боради, буни 1 ва 3 эгри чизиқлар мисолида кўришимиз мумкин, *d* = 1,08 мм (*n*=4) ва *d*=1,02(*n*=6).

12-расмда тикилаётган турли қалинлик δ даги матолар учун ипнинг диаметри *d* нинг бахялар сони *n* га боғланишлари кўрсатилган. Мато қалинлиги δ ошгани сари ипнинг диаметри ҳам ошиб бориши керак.

13-расмда чокнинг таранглик ҳолатини кўрсатиш учун битта бахя узунлигидаги материал тасмаси кўриб чиқилган, у бирлик кенглиги бўйича Р ҳаракатлари билан тенг равишда чўзилган. Эластикликнинг математик назариясида келтирилган асосий тахминларга мувофиқ матони эластик ва изотроп деб ҳисоблаймиз.



11-расм. Тенг мустаҳкамлик шарти бажарилганда ипнинг диаметри d нинг тикилаётган матоларнинг қалинлигига боғланишлари турли сондаги бахяқаторлар учун: 1-*n*=4; 2-*n*=5; 3-*n*=6.



12-расм. Тенг мустаҳкамлик шарти бажарилганда турли қалинлик *δ* даги матоларни тикишда 1 см узунликдаги чокдаги ип диаметри *d* нинг бахялар сони *n* га боғлиқликлари: 1 *δ*=0,5 мм; 2-*δ*=0,7 мм



13-расм. Бир кенгликга тўғри келувчи *P* куч билан текис чўзилаётган марказий тешикли (а) мато бўлаги ва тешик чегарасида (б) уринма кучланишни ўзгариш эпюраси

Махсус кийим деталлари ипли бирикмаларининг кучланиш ҳолатини баҳолашнинг математик модели қуйидагича:

$$\left.\begin{aligned} \sigma_T &= \frac{p}{2}\left(1-\frac{a^2}{r^2}\right)-\frac{p}{2}\left(1-\frac{3a^4}{r^4}-\frac{4a^2}{r^2}\right)\cos 2\,\theta \\ \sigma_\theta &= \frac{p}{2}\left(1+\frac{a^2}{r^2}\right)-\frac{p}{2}\left(1+\frac{3a^4}{r^4}\right)\cos 2\,\theta \\ \tau_{r\theta} &= -\frac{p}{2}\left(1-\frac{3a^4}{r^4}+\frac{2a^2}{r^2}\right)\sin 2\,\theta \end{aligned}\right\} \qquad (10)$$

Ушбу ишда ишлаб чиқилган математик моделлар лойиҳалаш босқичида тикув чокларнинг мустаҳкамлик параметрларини баҳолаш имконини беради ва эксплуатациялаш жараёнида махсус кийим деталларнинг ипли бирикмали чокларининг мустаҳкамлигини таъминлайди. Бунда: F- юкланишнинг қиймати газламанинг танда ва арқоқ иплари учун мос равишда экспериментал аниқланган: 601/432; 693/518; 686/591, Н га тенг; матонинг мустаҳкамлиги қийматларининг чегаралари эса: σ_p=8.54/6.14; $\sigma_p = 9.84/7.36$; σ_p9.74/8.39Н/мм^2 ни ташкил этган.

Диссертациянинг “**Электр таъминоти ишчилари махсус кийимини лойиҳалаш усулини ишлаб чиқиш”** деб номланган тўртинчи боби истеъмолчилар фикрини ўрганиш, махсус кийимга ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли таъсирининг топографик ҳудудларини аниқлаш, меҳнат жараёнида энг кўп бажариладиган иш ҳаракатларини таҳлил қилиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда электр таъминоти ишчилари махсус кийимнинг замонавий моделларини яратиш ва рационал конструкциясини ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилган.

Бугунги кунда мавжуд антистатик матолар бозорини ўрганиш асосида электр таъминоти ишчилари меҳнат шароитларига мос келадиган материаллар танланган ва уларнинг хоссалари Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «CentexUz” синов лабораториясида тадқиқ этилган. Материалларнинг физик-механик ва гигиеник хоссаларининг қиёсий таҳлили натижалари 14-расмда келтирилган.



а-ҳавоўтказувчанлик (дм^3/ м^{2}с)



б-гигроскопиклик,%



в- иссиқликга қаршилиги,(м^2 ^{0}С/Вт)



г) узиш юкламаси (танда ва арқоқ), (кгс)



д) узилишга узайиш(танда ва арқоқ), мм



е) ишқаланиш, (айл/ мин)

14- расм. Материаллар артикуллари бўйича гигиеник ва эксплуатацион хоссалари гистограммалари

Ўзбекистон иқлим шароити ва электр тармоқлари корхоналари ишчилари учун энг мақбул 100% пахта толасидан тайёрланган 10209а-М артикулли антистатик мато деб топилган. Ишнинг кейинги босқичида лойиҳаланаётган махсус кийимнинг моделларини яратиш ва коструксиясини ишлаб чиқишда айнан шу матодан фойдаланилган.



15-расм. Электр таъминоти ишчилари махсус кийими

Электр таъминоти ишчилари махсус кийимининг эскизини яратишда (15-расм) "Corel Draw" компьютер графикасидан фойдаланилган бўлиб, яратилган махсус кийим модели функционаллиги ва қулайлиги билан ажралиб туради, унинг конструктив ечимининг ўзига хослиги Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг саноат намунасига патенти билан ҳимояланган («Электроэнергетиклар учун антистатик махсус кийим», № SAP 02096, 2021 й).

Электр таъминоти ишчилари махсус кийимининг рационал конструкциясини ишлаб чиқиш мақсадида эргономик изланишлар ўтказилган. Электр таъминоти ишчиларининг меҳнат жараёнида энг кўп бажариладиган ишчи ҳаракатлар асосида эргономик ҳолатлар аниқланган ва уларни бажариш вақтида ишчилар гавда ўлчамларининг динамик эффектлари аниқланган. Изланишлар натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Электр таъминоти ишчиларининг эргономик ҳолатлари ва гавда ўлчамларининг динамик эффектлари

Ўлчам белгилари номи	Эргономик ҳолатлар/Динамик эффектлар, $d_j = x_j (d) - x_i (s)$, см			
	№1 	№2 	№3	№4
Орқа кенглиги	6,35	9,88	10,43	12,92
Орт бел чизиғидан тиззагача бўлган масофа	1,84	8,59	1,02	6,63
Орт бўйин нуқтасидан бел чизиғигача узунлик	0,65	3,76	1,52	8,49
Олд бел узунлиги	5,78	0,9	0,22	0,16

1- жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ишчи ҳаракатлар бажариш жараёнида тананинг “Орқа кенглиги” ўлчами 6,35 см дан 12,92 см гача, “Бел чизиғидан тиззагача масофа орт томондан” ўлчами 1,02 см дан 8,59 см гача, “Орт бўйин нуқтасидан бел чизиғигача узунлик” ўлчами 0,65 см дан 8,49 см гача ўзгарган. Аниқланган динамик эффектлар қийматлари асосида махсус кийим эркинлиги учун қўшимча ҳақлар қиймати танлаб олинган ва кейинги босқичда - махсус кийимнинг конструциясини қуришда қўлланган.

Аниқланган динамик эффектлар қийматлари асосида ҳисобланган кийим эркинлиги қўшимча ҳақлардан ва эркаклар типик фигурасининг ўлчовларидан фойдаланган ҳолда электр таъминоти ишчилари учун махсус кийимнинг рационал конструкцияси “Richpeace Cad System” дастури ёрдамида қурилган (16-расм).



а б

16- расм. Электр таъминоти ишчилари учун махсус кийим комплекти:
а)- куртканинг олд ва орт деталлари, в)-шимнинг олд ва орт деталлари

Ишлаб чиқилган махсус кийимни эксплуатациялаш даврида сифат кўрсаткичларини текшириш мақсадида реал шароитларда 12 ой давомида тажриба-синов ишлари амалга оширилган ва олинган натижаларни оптималлаш мақсадида тўлиқ омилли тажрибалар ўтказилган. Махсус кийим деталларининг узиш юкламасининг кийиб юриш давомийлигига боғлиқлиги 17 – расмда кўрсатилган.

Танланган ҳудудларда тавсифларнинг ўзгаришига асосланиб, кийим деталларининг танда ипи бўйича узиш юкламаси кўрсаткичларининг кийиб юриш давомийлигига боғлиқлиги учун регрессия тенгламалари олинди.

17-расмдан кўриниб турибдики, 120-чи кун давомида куртканинг олд бўлагида ҳар учала ҳудудларда мато чидамлигининг бироз пасайиши кузатилган. Бироқ, синовларнинг 180-чи кунида махсус кийимни иккинчи ва учинчи ҳудудларнинг эскириш даражаси деярли бир хил бўлган. 240-чи кундан синовлар охиригача учала ҳудуднинг ҳар бирида мустаҳкамлик кўрсаткичларининг бир маромда пасайиши кузатилган. Бироқ, 360 -кунда махсус кийимнинг сифатини текширилганда унинг эскириши кузатилган бўлсада, лекин мато ва тикув чокларининг бутунлиги сақланиб қолинган. Ўтказилган тўлиқ факторли тажрибалар натижасида олинган регрессия тенгламаларини аналитик ечимлари ва олинган боғлиқлик графиклари таҳлили махсус кийим ва унинг материалларининг оптимал қийматларни топишга имкон берди. Топилган оптимал қийматларда баҳолаш мезонлариининг қийматлари талаб даражасига мос келди.



а- куртканинг олд бўлаги

б- куртканинг орт бўлаги

в- куртканинг енги

г- шимнинг олд бўлаги

д- шимнинг орт бўлаги

17 –расм. Электр таъминоти ишчилари махсус кийимнинг узиш юкламасининг эксплуатациялаш давомийлигига боғлиқлиги

Ишлаб чиқилган махсус кийимларининг реал шароитларидаги синовлари Бухоро вилояти "Ҳудудий электр тармоқлари" МЧЖ корхонасида 2020 йил 01 апрелдан 01 октябргача ва 2021 йил 20 мартдан 20 августгача 12 ой давомида ўтказилган ва эксплуатациялаш жараёнида ўзининг сифатини йўқотмаган. Тадқиқот ишининг асосий натижалари “AL-Hakim Plus” ва “Okean-Lyuks” МЧЖ тикувчилик корхоналарида тадбиқ этилганда йиллик иқтисодий самарадорлик 84 630000 сўмни такил этган, меҳнат унумдорлиги 17,54 % га ошган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалиги ишчилари махсус кийимини лойиҳалаш усулини ва самарали ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш”** номли бешинчи боби қишлоқ хўжалиги ишчилари махсус кийими учун материаллар танлаш, эргономик изланишлар асосида меҳнат жараёнида ишчилар гавда ўлчамларининг динамик ўзгаришларини аниқлаш, эксплуатациялаш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда махсус кийимларнинг замонавий моделларини ва рационал конструкциясини ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган.

